

КҮНХҮЖА ПОЭЗИЯСИННИГ БАДИЙ-ЭСТЕТИК МАНБАЛАРИ

Токимбетова Гулбахар Абатбаевна

Қорақалпоқ давлат университети

Қорақалпоқ адабиёти кафедраси доценти, (PhD)

gulbaxartokimbetova@gmail.com

Аннотация: Мақолада қорақалпоқ мұмтоз адабиёти шоири Күнхүжа асарларининг бадиий-эстетик маҳорати тарихий шароитларнинг ва давр талабининг асосида яратылған асарлари тадқиқ этилған. Адабиётшунослик илмида XIX аср қорақалпоқ поэзиясининг тарихий шароитлар масаласи бадиий поэтик ҳолатда тадқиқ қилинганды. Шунингдек, бу тарихий шароит ва давр талабининг асосида шаклланған халқ қаҳроманлари шоир асарларидағы, мавзуй әлеуметтік-әдебиеттік образлар нүктайтын назаридан ўрганилди.

Калит сўзлар: мұмтоз адабиёт, поэтик усул, адабиётшунослик, тарихий шароит, образ, лирика, жанр, оғизоки адабиёт, эпик асар.

Аннотация: В статье исследовано художественно-эстетическое мастерство поэта каракалпакской классической литературы Кунходжы. В литературоведении вопрос об исторических условиях в художественно-поэтическом контексте. Также изучены народные герои, сформировавшиеся исходя из исторических условий и требований времени, с идеально-тематической точки зрения и образов народных героев в произведениях поэта.

Ключевые слова: классическая литература, поэтический метод, литературоведение, исторический контекст, образ, лирика, жанр, фольклорное творчество, эпическое произведение.

Abstract: In the article, the artistic and aesthetic skills of the poet of Karakalpak classical literature, Kunkhoja, were researched. In the science of literary studies, the issue of the historical conditions of the Karakalpak poetry of the 19th century was studied in a poetic context. Also, the folk heroes formed on the basis of the historical conditions and the demand of the time were studied in terms of ideological, thematic and images of the folk heroes in the poet's works.

Key words: classical literature, poetic method, literary criticism, historical context, image, lyrics, genre, folklore, epic work.

Бадиий сўз санъати қадимги жамиятда оғзаки адабиёт сифатида ривожланиб, ёзма адабиётнинг хосил бўлишига асос бўлған. Аммо, адабиёт дастлаб қандай яратылған бўлса, ўша ҳолида эмас, балки янги тарихий шароитларнинг ва давр талабининг асосида шаклланниб, қайта туғилған.

Қорақалпоқ мұмтоз адабиётида тарихий мазмундаги лирик ва эпик асар

қаҳроманларини ифодоловчи поэтик усуллардан кенг фойдаланилган. Айниқса, XIX асрда қорақалпоқ халқининг турмушида вужудга келган ҳархил тарихий воқеаларни ўз асарларида тасвирлаган мумтоз намояндаларидан Кўнхўжа, Ажиниёз, Бердақ, Ўтеш ва ҳ.к. ижодида уша давр халқларининг турмуши ва шароити ўз аксини топган. Шуни айтиб ўтиш жоизки, Қорақалпоқ халқининг маънавий маданияти, тарихий шароитларининг тасвирлаш усулларини аниқлаш, давр тарихий воқеаларини ўзида жамлаган шоирларнинг лирик асарларини бугунги кун учун тарийх деб ҳисоблаш мумкин. Асосан, адабиётшунослик илмида XIX аср қорақалпоқ поэзиясининг тарихий шароитлари масалалари бадиий поэтик ҳолатда тадқиқ қилинган ишлар мавжуд ва бу тадқиқотлар тарихий шароитларнинг ва давр талабининг асосида шаклланиб борган.

Тадқиқотчи олимлардан М.Тилеумуратов, Қ.Жаримбетовларнинг¹ ишларида XIX аср қорақалпоқ шеъриятида тарихий шароитларнинг, тарихий воқеаларнинг ёзма адабиётда ва поэзияда тасвирланиш усуллари тарихий ва адабий йўналишларда тадқиқ қилинган.

Адабиётшунослик илмида бугунги кунга қадар бадиий адабиётнинг ҳархил масалаларига қаратилган кўпгина мақолалар ва илмий тадқиқот ишлари мавжуд. Бу тадқиқотларнинг кўпчилигига XIX аср қорақалпоқ шеърияти, ушбу давр шеъриятининг хусусиятлари, жанрий масалалари, эпик асарлар ва ҳ.к. масалалар ҳақида фикир билдирилиб ўтилган. Масалан, Н.Давқараевнинг “Бердақ шоир (Бердақ шайыр)”, (Нөкис, 1950), И.Сагитовнинг “Бердақнинг ижоди (Бердақтың творчествосы)” (Нөкис, 1952), “Саҳро булбули (Саҳра бўлбили)” (Нөкис, 1974), А.Пахратдиновнинг “Бердақнинг достонлик асарлари (Бердақ шайырдың дәстанлық шығармалари)” (Нөкис, 1987), академик Ҳ.Ҳамидовнинг «Шарқ тилларидағи ёзма манбалар ва XIX асрдаги қорақалпоқ шоирлари (Шығыс тиллериндеги жазба дәреклер ҳәм XIX әсирдеги қарақалпақ шайырлары)» (Нөкис, 1991), К.Мамбетовнинг “Ажиниёз (Эжинияз)” (Нөкис, 1994), Қ.Жаримбетовнинг «XIX аср қорақалпоқ лирикасининг жанрий хусусиятлари ва тараққиёт тарихи (XIX әсир қарақалпақ лирикасының жанрлық қәсийетлери ҳәм раўажланыў тарийхы)» (Нөкис, 2004), И.Утеулиевнинг “XIX аср қорақалпоқ адабиётининг миллийлик узига хосликлари (XIX әсир қарақалпақ әдебиятының миллийлик өзиншениклири)” (Нөкис, 2005), Б.Қалимбетовнинг “XIV асрнинг охири XX асрнинг бошида қорақалпоқ адабиётида реализмнинг ривожланиши (XIV әсирдидң ақыры XX әсирдидң басында қарақалпақ әдебиятында реализмниң раўажланыўы)” (Нөкис, 2005), С.Матекеевнинг “Ўтеш ижодининг поэтикаси”, (Нөкис, 2005), Б.Давлетовнинг

¹ Тилеўмуратов М. Бердақтың шығармаларындағы тарийхый дереклер. Нөкис, «Қарақалпақстан», 1968. Жаримбетов Қ, «XIX әсир қарақалпақ лирикасының жанрлық қәсийетлери ҳәм раўажланыў тарийхы» Нөкис «Билим». 2004.

“Қази Мавлик ижоди (Қазы Мәйлік дөретиүшилиги)” (Нәкис, 2002), Қ.Байниязовнинг “Қорақалпоқ шоирларининг ижодида оғизоки ва ёзма дастурий синтез (Қарақалпақ шайырларының дөретиүшилигидеги аўызеки ҳәм жазба дәстүрлердин синтези)” (Нәкис, 2000), Б.Генжемуратовнинг “Ажиниёз лирикасининг поэтикаси (Әжинияз лирикасининг поэтикаси)” (Нәкис, 1997) сингари тадқиқотчи-олимларнинг илмий тадқиқотлари XIX асрдаги қорақалпоқ мұмтоз шоирларнинг ижодидаги айирым масалаларга бағишиланган илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Бу ёзма адабиётнинг шаклланиш даври XIX аср қорақалпоқ халқининг сиёсий-жамиятлик, иқтисодий ва маданий турмуши билан алоқадор бўлган. Шу боисдан, ф.ф.д. Қ.Жаримбетов: “XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX асрдаги қорақалпоқларнинг тарихий-жамиятлик шароитлари, иқтисодий ва маданий турмуши қадимги фольклорлик ва ярим фольклор сўз хўнарининг ўрнига кўб жанрли, ранг-баранг ёзма адабиётни вужудга келтирди”² деб ёзади.

Қорақалпоқ халқи мана шундай маданий мұхитдан, тарихий шароитдан шаклланиб ривожланган. Шу боисдан “Ёзма адабиёт адабиёт тарихининг дастлабки босқичида, ундан кейинги даврларида ҳам оғизоки адабиётта таяниб ўсади. Дастлабки белгиларида оғизоки адабиётнинг асар қаҳроманлари поэтик усууларда тасвирланган бўлса, кейинги ўринларда оғиз адабиётининг жанрий хусусиятлари ёзма адабиятга кўчирилган, аммо муаллифнинг конкрет инсонга, воқеага асослаб ўз туйғуларини тасвирлашнинг янгича услубий йўналишлари вужудга келган.³

Бу давр мутоз шоирларининг кўбчилиги тарихий шароит масалаларини ўзларининг асарларида бадиий усууда баёнлаб беришга ҳаракат қилган. Масалан, Кўнхўжанинг “Ел менен (Эл билан)” номли асарида насиҳат (дидактик) усулида таърифлаш билан бирга халқнинг оғир ҳолатларида яшаётганлигини, уларнинг турмуш картинасини халқдан узоқта эмас, балки халқ билан бирга уларнинг тарофида туриб, ўзини воқеа ичидаги қаҳроман сифатида тасвирлаган. Унинг кўбчилик асарлари асосан XIX асрда бўлаётган воқеаларга бағишиланган. Шоирнинг “Ел менен (Эл билан)” деб номланган асарида ўз ватанини, халқини севиш масаласи асосий ғояга бириктирилган.

Шунингдек асар тарихий воқеани эпик йўналишда тасвирлаб бериш усулида баёнланган. Чунки, унда юқорида келтириб ўтканимиздек, халқнинг турмуши бадиий тасвирланган. Масалан:

Бир нешелер кийип қамқа паршалар,
Алтын менен толтырса да аршалар,

² Жәримбетов Қ. XIX әсир қарақалпақ лирикасының жанрлық қәсийетлери ҳәм раўажланыў тарийхы. Н. “Билим”, 2004, -Б.28.

³ Ҳамидов Х. Шығыс тиллериндеги жазба дәреклер. Нәкис, “Билим”, 1991, -Б.7.

Халқыңды сораса зулым патшалар,
Қассап яңлы күни кешер дар билен.
Адамға қаст етип мийрими келмес,
Ким жаман, Ким яқшы?-парқыны билмес,
Жыласаң да көздің яшыны көрмес,
Патшаң жаман болса күниң зар билен⁴

Күнхүжанинг бу эпик асарида қаҳроман билан биргалиқда ёрдамчи қаҳроманлар, персонажлар ҳам воқеада иштирок этади. Шу боисдан Күнхүжанинг юқорида келтирілген бириңчи бандида қаҳроманнинг насиҳат қилиш усули орқали бу образни бириңчи ўринга қўйиб, аммо иккинчи бандида ёрдамчи қаҳроманлар, персонажлар воқеада иштирок этади, яъний қаҳроман бирдан-бир ёрдамчи, персонаж билан аралашып ҳаракат қиласди. Бу усуллар ёрдамида шоир асарида сюжет қурилишида янги мотив вужудга келади. Яъний халқни эзиз турган подшолар (персонаж)нинг роли (хизмати) бириңчи ўринда тасвирланади. Шу боисдан персонажнинг хизматининг ортиши билан қаҳроманнинг хизмати пасайғанлигидан далолат беради. Асадаги воқеа персонажлар ёрдамида тасвирланиб берилген. Шунингдек шоирнинг эпик асарларыда халқнинг тағдири билан турмуш тажрийбалари акс эттирилган.

Масалан:

Уламаға керек дүгры сөзлемек,
Хақ жол менен шәриятын гөзлемек.
Халықтың оңғар жағын бәрхә излемек,
Байланысып түйин шешиў ел менен.

Бир-бираеүге туұысқанлық бермек қол,
Қара тұнде сәрдар болып аппақ жол,
Питиў ушын удайына оңлы-сол,
Ислеў керек барлық жағын ел менен

Аспанға ушарсаң болса қанатың,
Шад боларсаң шадлы болса елатың,
Халқың менен болса тилек-муратың,
Сапа сұрсең узақ сапа жыл билен.

Алдында жол баслар ағаң ҳәм болса,
Жаптан дуры ағар суұың ҳәм болса,
Ексең гүлин ғумшаланып солмаса,

⁴ Күнхожа, Қосықлар. Нөкис, “Қарақалпақстан”, 1960, -Б.92.

Кеўлин шадланады узақ жыл билен⁵.

деб келтирилган қаторларыда алломаларнинг халқ билан алоқадо бўлиб, эл ичидағи бошқариш ишларидаги уларнинг шариат йўлидан туғри юриб, ҳақийқатни гапириш кераклиги айтилади. Аммо, қўшиқнинг кейинги бандида шоир ўз турмуши яхши бўлмаганликдан орзу-орманларга қўнгил беради. Яъний халқ тинч турмуш кечириши ҳақида сўз этилади. Аммо унга подшонинг зулимлиги етиб ортади. Асарда шоирнинг номи келтирилиб, турмуш ҳақийқатлигидан кўрган нарсаларини бадиий образ ёрдамида тасвирлаб беради.

Опасыз дұньяда ашылған гүллер,
Қәпестеги сайрап турған бүлбиллер
Дұньядағы бағу-ҳәрем, шәменлер,
Оның рәёзиши, көрки ел билен.

Атқа минип даңқын көкке жетирген,
Қысымлығын күннен-күнге отирген,
Өзине жаққанның исин питирген,
Олардың ҳәм күни кешер ел билен

Ғәзине толысы алтын ақшаның,
Хәўли-ҳарем және бағы-бақшаның,
Халықты сорап турған хану-патшаның,
Шалқығаны ғәрип-қәсер ел билен.

Шоирнинг асардаги бунақа халқ ҳаётидаги роли ва хизмати эпик планда тасвирлаб берилади. Бу асарда насиҳат (дидактик жанр) биринчи ўринга чиқарилган. Шунингдек шоир ўз асарида қаҳроман мотив образини яратиб берган. Ҳулоса қилиб айтганимизла шоир ўз асарларидаги халқнинг турмушини жамиятлик-сиёсий ҳаёт билан, тарихий шароит асосида тарихий ҳақийқатлик билан тасвирлаб берган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Тилеўмуратов М. Бердақтың шығармаларындағы тарийхий дереклер. Нөкис, «Қарақалпақстан», 1968.
2. Жаримбетов К, «XIX әсир қарақалпақ лирикасының жанрлық қесийетлери ҳәм раўажланыў тарийхы». Нөкис, «Билим».2004.
3. Ҳамидов Х. Шығыс тиллериндеги жазба дәреклер. Нөкис, “Билим”, 1991, -Б.7
4. Құнхожа, Қосықлар. Нөкис, “Қарақалпақстан”, 1960, -Б.92
5. Құнхожа. Ел менен. Нөкис, «Қарақалпақстан», 1961, -Б. 92

⁵ Құнхожа. Қосықлар. Нөкис,1960, -Б 93.